

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Худудий секторлар фаолиятдан

Халқимизнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришда Президентимизнинг "Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламалга айланган. Айниқса, бу борада секторлардаги ишчи гуруҳлар томонидан камчилик ва муаммоларнинг аниқланаётгани, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари изчил белгиланаётгани эътиборга молик.

ҲАЁТНИНГ ҲИКМАТИ ОДАМЛАР ОРАСИДА

Бу борада Ёўка туманида ҳам амалий ҳаракатлар олиб борилаётир. Мавжуд 4 та секторнинг ҳар бирига 10 тадан маҳалла бириктирилгани, уларга ҳаётий тажриба, билим ва малакага эга инсонлар жалб этилгани эътиборлидир.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ихтиёр Ҳасанов раҳбарлигидаги секторда 5 минг 380 та хонадон бўлиб, уларга жами 14 нафар аъзо бириктирилган. Айни кунгача сектор аъзолари томонидан 7 та маҳалла фуқаролар йиғини ўрганиб чиқилди. Аҳолидан тушган мурожаатлар ҳамда уйма-уй юриб, амалга оширилган ўрганишлар натижаси ўлароқ, қатор муаммо ва камчиликлар ўз ечимини кутиб турганлиги маълум бўлди.

Таъкидлаш жоизки, одамлар эртанги кунга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бунинг учун эса, энг аввало, уларни рози қилиш, давлат идораларининг чиндан ҳам халққа хизмат қилаётганига ишонтириш муҳим. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур худудда бириктирилган ишчи гуруҳи аъзолари юзга келган муаммоларни имкон қадар жойида бартараф этишга интилишмоқда. Худуд аҳолисини қийна-

ётган муаммоларнинг аксарият қисми тоза ичимлик сувининг олисдан олиб келинаётганлиги, ички йўлларнинг носозлиги, қишлоқ аҳолисининг мактабгача таълим муассасасига эҳтиёжи катталиги, ҚВПлар ишчи тубдан яхшилаш муҳимлиги ҳақидадир. Айни чоғда, ана шу муаммолар чуқур ўрганилиб, уларни бартараф этиш чоралари изланмоқда.

Албатта, аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ночор оилаларга имкон қадар қўмаклашиш борасидаги ишлар салмоқли. Чунинчи, сектор тасарруфидидаги 7 та маҳалланинг 20 та кам таъминланган оиласига моддий ёрдам кўрсатилди. "Бошлела" маҳалласида яшовчи ногиронлар – Ҳасима Солипова ва Музаффар Ҳайдаровга олти ой муддатда ёрдам пуллари тайинланди.

"Дўстлик" маҳалласида мактаб ўқувчиларининг бўлган зарғарлик соҳасидаги фаолиятини йўлга қўйди. Унинг мўъжазгина устахонасида юксак дид ва маҳорат билан тайёрланаётган узук, зирак, билакузук, зебигардон, тиллақош ва бошқа шу сингари тақинчоқларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Тадбиркорнинг таъбири билан айтганда, ҳар бир буюртмачи бетақдор ва ўзига хос буюмга эга бўлишни ис- тайди. Шу боис, заргар та-

Хунаремандчилик:

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ, ИСТИҚБОЛ



Байтқўрғонлик Умида Тошмуҳаммедова ёшлигидан ўз бизнесини ташкил этишни орзу қиларди. Касб-хунаремандчилигини битириш арасида мутахассислар кўмагида тадбиркорлик йўналишидаги бизнес-режасини тузди ва банкдан имтиёзли кредит олди.

Шу тариқа, у халқ амалий санъати турларидан бири бўлган зарғарлик соҳасидаги фаолиятини йўлга қўйди. Унинг мўъжазгина устахонасида юксак дид ва маҳорат билан тайёрланаётган узук, зирак, билакузук, зебигардон, тиллақош ва бошқа шу сингари тақинчоқларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Тадбиркорнинг таъбири билан айтганда, ҳар бир буюртмачи бетақдор ва ўзига хос буюмга эга бўлишни ис- тайди. Шу боис, заргар та-

қинчоқларни ясаш жараёнида бутун маҳоратини ишга солиши, мавжуд ашёлардан моҳирона фойдалана билиши, яратётган буюмининг турига қараб нақш босиш, зарб қилиш, болғалаш, зарҳаллаш, ранг бериш, кесиш ва қирралаш ишларини юксак масъулият билан бажари- ши керак. Ана шундагина оддийгина тош ва металл парча- сичи қуёш нуридек ярқираб, кўзни қамаштирувчи ва товланувчи зарғарлик буюмига айланади.

– Ўзим қизиққан касб-хунаремандчилик, юртимга наф келтираётганимдан фойдаланаман, – дейди Умида. – Халқимизнинг хунаремандчилик йўналишидаги анъаналарини давом эттириб, бундан-да катта ютуқларни қўлга киритиш- ни ният қилганман.

У. Тошмуҳаммедова мамлакатимиз миқёсида ўтказилган таъ- вирий ва амалий санъат, ёшлар ҳафталиги фестивалларида иж- одий ишлари билан қатнашиб, фохри ўринларни эгалламоқда. Хусусан, 2016 йилда республи- камизда ёшлар ўртасида ўтка- зилган кўрик-танловнинг "Ёш тадбиркор қизларнинг энг яхши лойиҳаси" номинацияси ғолиба- си бўлган тадбиркор имтиёзли кредит сертификати билан тақ- дирланди. Бу йил эса "Тадбир-

кор аёл – 2017" кўрик-танлови вилоят босқичининг ғолиби бўлди.

Дарвоқе, Умида айни кун- ларда бухгалтерлик курсида таълим олаётган экан. Ўзи- нинг айтишича, бугунги тад- биркор нафақат пухта касб эгаси, балки молия ва иқти- содий соҳасида ҳам етарли билимга эга бўлиши керак. Изланишда давом этаётган тадбиркорнинг истиқболдаги режаларидан ўз фаолиятини янада кенгайтириш, хотин- қизлар учун миллий дизайн- даги кийим-кечаклар ишлаб чиқариш корхонасини очиш ҳам ўрин олган.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат.

Илмий-амалий семинар

Киши ўтган яхши кунларини эсласа, беихтиёр юзига табассум югуради. Ўша дамлар тасвирланган суратни кўрганида эса, мозийга қайтгандек бўлади.

Ҳа, фотография одамга ана шундай завқ бериш хусусиятига эга.

ОБЪЕКТИВНИНГ ЎТКИР «НИГОҲИ»

Мустақиллик йилларида миллий фотография соҳа- си тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди. Тур- ли фото кўргазмалар таш- қил этиш анъанаса айлан- ди. Истеъдодли фотосу- ратчиликнинг ишлари Россия, Франция, Япо- ния каби давлатларда на- мойиш этила бошлади. Шунга қарамай, соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар талабига му- аммаларни ҳал қилишда шундай кўз бўлди.

"Миллий фотожурна- листика муаммоларини ўрганиш ва истиқболдаги режалар" мавзусида ўтган илмий-амалий семинарда Қорақалпоғистон Респуб- бликаси, вилоятлар ва пой- тахтдаги оммавий ахборот воситаларида фаоли- ят юритаётган 30 дан ортиқ фотомуҳбир ишти- роқ этди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, фото-



журналистикага оид жи- ҳатларни ўрганиш, халқа- ро тажрибаларни таҳлил қилиш, фотосарларнинг сифати, бадиий ҳудудлар- даги фотомуҳбирларнинг касбий билим ва маҳора- тини юксалтиришдир.

Семинарда "Фотожур- налистика, унинг йўналишлари", "Фотожурна- листикага оид этика қоидалари", "Фотолавҳа- ларга мазмунли изоҳ бе- риш ва изоҳ қонуниятла- ри" каби мавзуларда маърузалар тингиланди.

Сўз олганлар, фото ижодий маҳсулот сифати- да қандай намён бўли- ши, ифода усули ва воси- таларига эътибор, балки материалларнинг мавзу- лари ҳам ҳисобга олини- ши фотожурналистикага хос хусусият эканини таъ- кидлашди. Шунингдек, фотожурналистика жанр- ларини аниқлаш учун ви-

зуал хилма-хиллик ҳақида тушунчага эга бўлиш, қадр- ларнинг турлари, яъни кў- ринишни фарқлай олиш кераклиги таъкидланди. Не- гак, кўриниш фотোগра- фия материал жанрининг энг муҳим жиҳати ҳисоблана- ди. Шунингдек, интернет журналистикасида ҳам фо- тонинг ўрни ва аҳамияти хусусида сўз борди.

Семинар давомида иш- тирокчилар ўзларини қи- зиктирган саволларга ат- рофлича жавоб олиш би- лан бирга соҳа мутахас- сисларининг тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Дарвоқе, семинарда тахририятимиз фотому- бири Азамат Аҳмедов фаол иштироки учун сер- тификат билан тақдир- ланди.

Ирода НОРОБЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Азамат АҲМЕДОВ
олган сурат.

Чирчиқликлар ўқисин!

БИР ЭЪЛОН ОРТИДАН...

Газетамизнинг шу йил 14 октябрь сонида Тошкент вилоятида қаттиқ ва суоқ маиший чирчиқликларни тўплаш ва олиб кетиш хизматлари бўйича янги тарифлар тўғрисидаги эълон чоп этил- ган эди. Унда 2017 йилнинг 1 ноябри- дан бошлаб, тўлов бир киши учун бир ойга 2 минг сўм, юридик ташкилот-

ларга 1 куб. метр учун қўшимча қий- мат солиғисиз 32 минг 880 сўм қилиб белгилангани кўрсатилган. Мазкур мақола чиққач, Чирчиқ шаҳар аҳолиси ўртасида норозилик бошланиб, чиқин- ди хизмати учун пул тўламай қўйишиб- ди. 20 кундирки, тўлов бўлмаётган экан.

Мазкур масала юзаси- дан тахририятимизга Тошкент шаҳар "Махсу- транс" ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли "Чирчиқ-махсустрас" автокорхонасининг раҳ- бар Тўлқин Ерназаров ҳамда корхона ҳуқуқшу-

носи Султон Раҳимов ке- лишди. Қўлимиздаги ҳуж- жатларга кўра, эълонда- ги нархлар фақат "Тоша худуд" давлат унитар бошқармасига тегишли экан. Бу бошқарма эса Тошкент вилоятидаги биргина Чирчиқ

га хизмат кўрсатмайди. "Чирчиқ-махсустрас" корхонасида эса, худди Тошкент шаҳридаги та- рифлар амалда. Аҳоли учун 3 минг 500 сўм, кор- хона ва ташкилотлар учун қўшимча қиймат солиғисиз 41 минг 989

сўм 50 тийин, қўшимча қиймат солиғи билан 50 минг 387 сўм 40 тийин қилиб белгиланган. Маз- кур нархлар Молия ва- зирлигининг 2017 йил 9 августдаги №ЕТ/15-04-34-11/136-1573-сонли хати, вилоят молия бош- қармасининг 2017 йил 15 августдаги 9-ТГ-2017-декларацияси, Тошкент шаҳар "Махсустрас" ишлаб чиқариш бошқар- масининг 2017 йил 7 сентябрдаги 1042-01-буй- руғига асосан тасдиқлан- ган.

Давоми 2-бетда. ■■

Давоми 2-бетда. ■■

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кун

ИШОНЧ ПОЙМОЛ БЎЛДИ

Вилоят худудидида ўтган ҳафта мобайнида илгари содир этилиб, очилмаган жами 10 та жиноят фош қилинди. Қидирувда юр- ган 15 киши ушланди.

1983 йилда Зангиота тумани- да туғилган Рафаэль Голубев (исм-фамилиялар ўзгартирил- ган) 1981 йилда туғилган та- ниши Николай Петров билан ўзаро жанжаллашиб, унга пичоқ санчади. Ушбу ҳолат юзасидан Рафаэль Голубевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Тер- говни ИИБ олиб бормоқда.

Пискент туманида яшовчи уй бекаси, 1992 йилда ту- гилган Шойра Асимова фирби- гарлик йўли билан чинозлик Мақсудбек Боқиев ва Олим Искандаровнинг ишончига ки- ribs, "Корея Республикасига

ишлаган юбораман", деб, улардан 1 минг 500 АҚШ дол- лари олиб, шу кунга қадар қай- тариб бермаган. Ушбу ҳолат юзасидан терговни ИИБ олиб бормоқда.

Қибрайлик Ноила Турсунова ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдалан- ган номаълум шахс, ётоқхона- сидан тахминан 5 миллион сўм пулини ўғрилаганини маълум қилган. Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, ушбу жиноятни Қибрай тумани- да яшовчи, вояга етмаган, 2003

йилда туғилган Шерали Зари- пов содир этгани аниқланди. Ўтказилган тезкор тадбир давомида Охангарон туманида яшовчи 1976 йилда туғилган Турдикул Эгамовнинг уйи гумон- ланиб текширилганда шафқ ичи- дан 369,8 грамм "марихуана" гвёхванд моддаси олинди. Ушбу ҳолат юзасидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Терговни ИИБ олиб бормоқда.

Хуришда ТУРСУНБЕОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Қарор ва ижро

Айни кунда бо- зорларимизда ба- лиқ савдоси авжи- да. Харидорларга луқмай ҳалолнинг сазан, дўнпешона, лаққа каби турлари тақлиф этилаётир. Уларнинг нарх-на- воси мақбуллиги юртимизда балиқ ови мавсуми бош- лангани, мазкур соҳа тобора ри- вожланиб бораёт- гани билан боғлиқ, албатта.

ЧИНОЗ БАЛИГИНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 1 майда қабул қилинган "Ба- ликчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори- га биноан, мамлакатим- изда балиқ маҳсулот- ларини қайта ишлаш қувватларини кенгай- тириш, табиий ва сунъий сув ҳавзалар- дан оқилона фойдала- ниш, балиқчилик тар- моғини бошқариш ти- зимини такомиллаш- тириш, балиқчилик ва балиқ овлаш ташки- лотлари фаолияти са- марадорлигини оши- риш, шунингдек, балиқ етиштиришнинг илмий асосланган усуллари ва интенсив техноло- гияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимизда ҳам ушбу ҳужжат ижроси доирасида бир қатор ишлар бажарилаётир. Жумладан, сув ресурс- ларидан унумли фой- даланишга эътибор кучайди, табиий ва сунъий ҳавзалар бар- по этилди. Ҳовузлар- нинг мелiorатив ҳола- ти тубдан яхшиланди. Натижада, балиқ етиштириш сезиларли даражада кўпайди. Ўтган йили 14 минг 829 тонна балиқ овлашга эришилди.

Қишлоқ ва сув ҳўжа- лиги бошқармасидан маълум қилишларича, туманларимизда янги балиқчилик эҳшикла- ри ташкил этилиш, балиқ зотларини яхшилаш ва кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ҲАЁТНИНГ ҲИКМАТИ ОДАМЛАР ОРАСИДА

Бўка аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда туман солиқ инспекцияси бошлиғи Турдимурод Абдуҳабборов раҳбарлигидаги сектор аъзоларининг ҳам ўз ўрни бор. Зеро, секторга қарашли 10 та маҳалла ҳудудда 6 минг 254 та хонадонда 31 минг 611 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда 986 гектар томорқа ерлари мавжуд.

Утган қисқа давр мобайнида ишчи гуруҳи томонидан "Ўзбек" ва "Янги ҳаёт" маҳаллалари бўлиб ўтган таъминотидаги 39-ва 48-қўл қаватли уйларнинг биноси, ҳақиқатан ҳам, таъмир-талаб эканлиги эъти-

рознларга сабаб бўлган. Мазкур қўл қаватли уйларда истиқомат қиладиган аҳоли канализация тизимидан, томлардан чакка ўтаётганлигидан, қолаверса, бино атрофида ноқонуний қурилишларга қўл урилганлигидан шикоят қилишган. Сектор ишчи гуруҳи томонидан ушбу ҳолатлар синчковлик билан ўрганилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Ишчи гуруҳига келиб тушаётган муносабатларнинг энг кўпи тиббиёт соҳасига тааллуқлидир. Чунончи, "Ўзбек" маҳалласида яшовчи Гулнора Асамова, Абдусатид Умаров, Сурайё Эргашева-

нинг соғлиги билан боғлиқ муаммолар ўрганилиб, улар туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари томонидан тиббий куриқдан ўтказилди. Фуқаролардан Турғунбой Абдурахимов ва Абдуҳасан Абдурахимов ногиронлик аравачаси билан таъминланди.

Сектор ишчи гуруҳи томонидан ободонлаштириш, ҳудудни чиқиндилардан тозалаш бўйича қилинаётган ишлар ҳам салмоқлидир. Жумладан, кўча атрофидаги дарахтларга ишлов бериш ҳамда аҳоли хонадонларидан чиқаётган чиқиндиларни тозалаш қатъий назоратга олинган.

– Худудимиз бўйича фаолиятимиз кўламини муттасил кенгайтириб, жонлантириб бериш мақсадида, – дейди сектор раҳбари Турдимурод Абдуҳабборов. – Аҳолининг ижтимоий муаммоларини янада чуқурроқ ўрганиш асосида ҳаётий тажрибалар орттираялмиз. Энг муҳими, одамларнинг мушкуллари осон бўлганда, аниқса, кексаларимиз: "Баракка топ, болам", деб елкамизга қоқишганда, бутун чарчоғу ташвишлар унут бўлади, кўнгил бир олам завқ олади.

Ашурали БОЙМУРОВО.

Фармойишнинг аҳамият-ли жиҳати шундаки, унда Оҳангарон тумани ҳудудидан "Тоштепа" сув омборини қуриш ҳамда "Оҳангарон" сув омборининг сув сигимини ошириш назарда тутилган. Шунингдек, ҳужжатда лотокли суғориш тармоқларини, ирригация тизимини, гидротехник иншоот ва гидростанларни таъмирлаш, тиклаш каби катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

– Фармойишда тумани-мизнинг географик жойлашуви, ер ва сув ресурслари захираси, аҳолимиз, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиши каби омиллар ҳар томонлама ҳисобга олинган. Зеро, мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилон ва самарали фойдаланиш кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, – дейди Оҳангарон тумани қишлоқ ва сув хў-

Оҳангарон томонларда

Халқимизда "Сув келтирган – элда азиз", деган ҳикмат бор. Биз бу нақлни бежиз келтирмадик. Дарҳақиқат, қадимдан сув чиқариш, канал қазिश, тўғонлар барпо этиш каби улкан ишларга қамарбаста бўлган инсонлар доимо халқнинг ардоғида бўлиб келишган. Аниқса, мана шундай тарихий воқеалар, буюк бунёдкорлик ишлари кўз ўнгингизда бўлиб беради, унинг аҳамияти икки қанчон ортади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 октябрдаги "Тошкент вилояти Паркент ва Оҳангарон туманларининг экин майдонларини сув билан таъминлашни янада яхшилаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши туман аҳоли учун тарихий воқеалардан бири бўлди, десак янглишмаймиз.

ИБРАТ МАКТАБИ

Фармойишнинг аҳамият-ли жиҳати шундаки, унда Оҳангарон тумани ҳудудидан "Тоштепа" сув омборини қуриш ҳамда "Оҳангарон" сув омборининг сув сигимини ошириш назарда тутилган. Шунингдек, ҳужжатда лотокли суғориш тармоқларини, ирригация тизимини, гидротехник иншоот ва гидростанларни таъмирлаш, тиклаш каби катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

– Фармойишда тумани-мизнинг географик жойлашуви, ер ва сув ресурслари захираси, аҳолимиз, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиши каби омиллар ҳар томонлама ҳисобга олинган. Зеро, мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилон ва самарали фойдаланиш кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, – дейди Оҳангарон тумани қишлоқ ва сув хў-

жалиги бўлими бошлиғи Икром Файзиев. – Қурилиш режалаштирилган "Тоштепа" сув омборини барпо этишга 20 млрд. 74 миллион сўм жалб этилиши кўзда тутилган бўлиб, унинг сигими 11,2 млн. куб. метрни ташкил этади. "Оҳангарон" сув омбори сигимини ошириш учун 112 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Унинг сигими эса 300 млн. куб метр бўлиб, ҳар икки лойиҳанинг амалга оширилиши 2018-2020 йилларга мўлжалланган.

Тумандаги мавжуд ирригация объектларини таъмирлаш ва тиклашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, жами 20,2 км. узунликдаги лотокли суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклашга 606 миллион сўм, 29,1 км. ҳажмдаги ирригация тизимини таъмирлаш ва тиклашга 72,4 миллион сўм, шу билан бирга, 139 та гидротехник иншоот

ва гидростанларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига 82,9 миллион сўм ажратилди.

– Бундан ташқари, бир қатор ҳудудларда ирригация объектлари қурилиб, реконструкция қилинади, – дейди туман ирригация бўлими бошлиғи Рамзхон Оқилов.

Туман ҳаётида тубдан ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби, қишлоқ ҳўжалигида, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тизимида ҳам яқин келажакда истиқболли дастурлар ҳаётга татбиқ этилиб, туманининг аграр салоҳияти бундан-да юксалади. Сувсиз ерларга сув чиқариш, деҳқонлар бўлиқ ва ҳосилдор ерларда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан юртимиз дастурхонларини тўқин қилади.

Элёр ҲАБИБОВ.

«ЯШИЛ ОҲАНГАРОН» ЛОЙИҲАСИ

иш бошлаши кутилмоқда

Айни пайтда, Оҳангаронда хитойлик инвесторлар гуруҳи меҳмон бўлиб турибди. "Jontia Group" энергетика инвестицион корпорацияси президенти ва корхонанинг турли йўналишлар бўйича мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ ҳудудда янги лойиҳани амалга ошириш бўйича дастлабки келишувга эришиш ҳамда келгуси ишларни аниқ режалаштириш бўйича музокара-лар ўтказмоқда.

Корпорация вакиллари туман ҳокимлигида бўлиб, лойиҳа моҳияти, кутилаётган натижалар, биринчи

навбатда қилиниши зарур бўлган ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашиб олишди. Учрашув чоғида туманда фаолият кўрсатаётган барча йирик корхона ва ташкилот вакиллари қатнашди ҳамда лойиҳа юзасидан фикр-мулоҳаза, таклифлар билдиришди.

Ҳўш, бу лойиҳанинг моҳияти нима ва у қандай мақсадларни кўзлайди? Айтиш жоизки, айни пайтда дунёнинг кўпайиб катталарида "яшил шаҳар" дастури асосида инновацион шаҳарсозлик йўналиши жадал ривожланмоқда.

Ишчи номи "Яшил Оҳангарон", деб номланаётган мазкур лойиҳа Оҳангаронни экологик жиҳатдан тоза ва энергетика жўмвор ҳудудга айлантириши билан долзарб аҳамият касб этади.

"Jontia Group" энергетика инвестицион корпорацияси вакиллари билан ўтган суҳбатда ана шу масалалар алоҳида тилга олинди.

Хитойлик инвесторларнинг Оҳангарон бўйлаб амалий ташрифи давом этмоқда.

Беход ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Партиялар ҳаётидан

Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" "ЎзЛиДеП" – тадбиркор аёллар манфаатлари ҳимоячиси" мавзусида амалий мулоқот ташкил этди.

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Олмалик кон-металлургия касб-хунар коллежидан бўлиб ўтган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, "Тадбиркор аёл" ишбилармон аёллар ассоциацияси, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этди. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари билан танишди. Фаол ишбилармон аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган ишловлар тўғрисида ўзаро фикр алмашишди. "Аёллар қаноти" амалга ошираётган лойиҳалар беvosита тадбиркор аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги алоҳида таъкидланди.

Муниса ҚОСИМОВА,
ЎЗДЖУ талабаси.

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА ЖАВОБАН

Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг манфаатларини рўйбга чиқариш, аҳолининг тақдирини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Жумладан, Зангиота ҳокимлигига туманда "Китоб олами" мажмуасини ташкил қилиш бўйича депутатлик сўрови юборилган эди. Ушбу сўров Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида қўрилиб, ижобий ҳал этилди. Натижада, ҳозирда Зангиота тумани Амир Темур кўчасида "Китоблар олами" мажмуаси биноси қуриб, битказилди. Эндилда туман ёшлари учун яна бир қулайлик яратилди.

Шунингдек, вилоят депутатлик гуруҳи раҳбари Зарифа Эралиева ташаббуси билан Ангрен шаҳрининг тоғли ҳудудлари бўлган Нишбоб ва Лашкарқишлоқларида йўл қуриш лозимлиги хусусида вилоят сессиясига киритилган масала юзасидан бугунги кунда 20 км.ни ташкил этувчи йўл барпо этиш ишлари бошлаб юборилди.

Депутатларнинг Ангрен шаҳар "Оппартақ" маҳалла аҳолиси билан бўлган суҳбат чоғида фуқаро Мархаб Сиддиқова уй-жой қадостр ҳужжатини тайёрлаш ва расмийлаштиришда маблаг зарурлиги, бундай харажат оилавий шароитига тўғри келмаётгани ҳақида баён қилди. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига депутатлик

сўрови чиқарилгач, ушбу хонадоннинг қадостр ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилди.

Янги йўл тумани Абдулла Ориқов Қўйда жойлашган қишлоқ врачлик пунктида электр энергиясини тўлиқ таъминлаш мақсадида депутатлар ташаббуси билан Республика "Экосан" жамоат фонди томонидан қувват энергиясида ишловчи фотоэлектр қурилма ўрнатилди. Шунингдек, "Юксалди" маҳалласидаги оилавий поликлиникага тез тиббий ёрдам машинаси ажратилди.

Юкори Чирчиқ тумани "Дўстлик" МФИдаги ички йўллари таъмирлаш бўйича туман ҳокимлигига юборган депутатлик сўрови ўз ечимини топди. Натижада, туман ободонлаштириш бўлими томонидан ҳудуддаги ички йўллarning 1,5 км. қисмига асфальт ётирилди. Ёшлар бандлиги юзасидан амалга оширилган ишлар сармасы ўларок, касб-хунар коллежларининг 20 нафар битирувчиси иш билан таъминланди.

Бу каби мисоллар талайгина. Энг муҳими, фуқароларнинг муносабатлари вақтида ўрганилиб, мавжуд камчиликлар бартараф этилмоқда.

Зулайхо Чўлпонова.

ЁШЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Ёшлар, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишда Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни муҳим аҳамият касб этмоқда.

Адлия идораларида

Айниқса, бу борада "Профилактика кўни" ва "Ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш" кўнларида Бекобод тумани бўйича 358 маротаба профилактика тадбирлари ўтказилди. Ҳудуддаги мавжуд 48 та маҳалла фуқаролар йиғинларида, касб-хунар коллежларида, умумтаълим мактабларида ташкил этилган учрашув ва суҳбатларда асосий эътибор ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2014 йил 14 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни ўзининг бор мазмун-моҳияти билан ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, ёшлар орасида маънавий соғлом муҳитни қарор топтиришга қаратилган.

Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, туманимиз миқёсида ИИБ, хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар иттифоқи, "Маҳалла" жамоат фонди ҳамкорлигида жойларда, коллеж ва умумтаълим мактабларида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар кўпчиликда илқ таассурот қолдирмоқда. Чунончи, ҚХДҲ ҳодимлари иштирокида "Эрта турмуш – келтирилган ташвиш", "Оилада ота-онанинг роли", "Ёшлик – ҳаёт безағи" мавзуларида ўтказилган суҳбатлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Туман ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тезкор вазият таҳлилидан келиб чиқиб, "Тозалаш", "Давомат", "Ўқувчи", "Назорат", "Турмуш" сингари тадбирларнинг изчил ўтказиб борилаётганлиги яхши самара бермоқда. Ҳозирги кунда коллежларда таҳсил олаётган йигит-қизлар билан алоҳида иш олиб борилаётган. Уларга турмуш қуриш учун, энг аввало, ҳаётий тажрибага эга бўлиш муҳимлигини, касб кўникмаси зарурлигини уқтирмоқдамиз. Ана шу тарздаги суҳбат ва учрашувларнинг нафақат мактаб ва коллежларда, балки аҳоли ўртасида, маҳаллаларда, ота-оналар орасида ташкил этилаётганлиги аниқ мўдаодир.

Дилфўз ҲАСАНОВА,
Бекобод тумани
ҚХДҲ бўлими
инспектори.

Хунармандчилик

Жаҳон бозорида ўзбек гиламдўзларининг ишлари алоҳида эътироф этилади. Бунини мамлакатимизда бўлган италиялик сайёх Хорхе Массимонинг сўзлари ҳам тасдиқлайди: "У ўзининг ажиб жилоси билан кишини ром этади. Аниқ, тиниқ нақшлар товланаётгандек. Айниқса, табиий ипдан тўқилган гиламларининг бизда жуда машҳур". Дарҳақиқат, мураккаб қўл меҳнати асосланган гиламдўзлик аслада ҳақиқий санъатдир.

ПАРКЕНТ ГИЛАМЛАРИ ЖИЛОСИ



Шунинг учун бўлса керак, бу иш ҳаммининг ҳам қўлидан келмайди. Сабр-тоқатли, иродилиларгина бу ишнинг бошини тутди. Паркентлик Зулхумор Эрматова ана шундайлардан.

Тадбиркор етти йилдан буён гилам тўқиш билан шуғулланади. Қувонарлиси, тўқувчиларнинг сафи кенгаймоқда. "Qays" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зулхумор Эрматова 10 кишига бош. Улар гилам тўқиш билан бирга аёллар сумкалари тикишни ҳам йўлга қўйдилар.

– Биласизми, қадимда ги-

ламлар қўлда тайёрлангани боис, қимматбаҳо ҳисобланган, – дейди тадбиркор. – Манбаларга кўра, жун ва пахта хом ашёсидан тўқилган шохона гиламлар XVIII-XIX асрларда оддий халқ орасида кенг тарқала бошлаган. Гиламнинг қоқма, тақир, шол, қуруфи, терма ироқи каби турлари бор.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида миллий хунармандчилигимиз бор бўй-бастини кўрсатди.

Хунармандларга яратилаётган шарт-шароит, имкониятлар натижаси ўларок,

улар ўз фаолиятини йўлга қўйиб, ҳам ўзларининг, ҳам аҳолининг эҳтиёжларини қондирмоқдалар. Тадбиркор гиламларга ранг бериш талаб-қоидаларига қатъий риоя қилади.

Турли гиёҳ ва дарахт илдизларидан олинган ранглар гиламларга янада жило бахш этади. Аслада унинг қиймати юқорилиги ҳам шунда.

– Меҳр ва эҳнимизни бериб тўқийдиган гиламларга нафақат ички, балки жаҳон бозорида ҳам талаб катта, – давом этади Зулхумор Эрматова. – Гиламларимиз АҚШ, Канада, Германия, Россия ва қозғистонликлар коллежасидан ўрин эгаллаганини кўпчилик биланвермас керак. Бугун тадбиркорнинг ўғиллари Суннатилла ва Хилолиддин, қизи Насиба унга елкадош-қўмақдош. Ўз устиди тинмай ишлайдиган, изланувчан тадбиркор турли курик-танловларда ҳам доим фаол.

Ирода МАҚСУДОВА.

ЧИНОЗ БАЛИҚНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

Четдан насли олиб келиш ва уларни иқлимлаштириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинаётган. Балиқнинг карп, оқ амур, оқ ва чипор дўнгпешона каби ўнга яқин зоти келтирилиб, белгиланган тартибда парвариш қилинди. Бу ишлар самарасида улардан насл беришчи тўдалар яратилиб, личинкалар олинди ва фермер хўжалиқларида етказиб берилди.

Йил бошида вилоятимиздаги балиқчиликка ихтисослашган хўжалиқлар тасарруфидида 4 минг 900 гектарга яқин ҳавзага оқ амур, карп, сазан, дўнгпешона ва бошқа турдаги балиқ чавоқлари ташланган. Улар ҳозир 800 граммдан 1 кило икки юз граммгача тош босади. Бошланган мавсумда ўн беш минг тоннадан ортиқ балиқ овлаш режалаштирилган.

...Балиқ гўшти ўзининг тўйимлиги ва ажойиб таъми билан ажралиб туради. У инсон организм учун жуда фойдали бўлган А, Д ва Е витаминлари ҳамда оқсил, кальций, фосфор каби моддаларга бой. Шу боис, уни мунтазам истеъмол қилиш тавсия этилади. Зеро, меърида балиқ тановул қилган одамнинг саломатлиги мустаҳкамланади, кўриш ва эшитиш

аъзолари, юрак фаолияти яхшиланади. Чиноз туманидаги "Чиноз Хумоюнмирозо балиқлари" фермер хўжалиги жамоаси ҳам аҳолини ана шу каби фойдали жиҳатларга эга балиқ гўштига бўлган эҳтиёжини қондиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

– Ҳавзамиз етти гектар, – дейди мазкур хўжалик раҳбари Зебинисо Фазилова. – Унга баҳорда ташланган чавоқларимиз айни кунга келиб гўшга кирди. Ҳадемай, уларни овлашни бошлаймиз.

Таъкидлаш жоиз, мазкур хўжалик ҳавзасида табиий шароит яратилган. Балиқларни озиклантириш белгиланган ра-

цион, қатъий тартиб асосида амалга оширилади. Мухими, бу ерда етиштирилаётган балиқлар ширин, шунинг учун ҳам харидоргир, бошқача айтганда, бозори чаққон.

Ҳар гектар ҳавзадан бир тоннаю саккиз юз килограммдан ошириб балиқ етиштириш режалаштирилаётган "Чиноз Хумоюнмирозо балиқлари"да овланадиган лўқма ҳалолнинг бир қисми тумандаги балиқ бозорида сотилса, қолгани шартнома асосида тегишли давлат ташкилот ва корхоналарига етказиб берилади.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

БИР ЭЪЛОН ОРТИДАН...



сус чиқинди ташувчи техникалар сони 19 та ва улар 15 та йўналишда ишлайди. Хусусий секторлардан сигнал асосида ҳафтадига 2 марта, коммунал сектордан эса ҳар кун ишчи чиқиндилар олиб чиқилади. Барча ҳайдовчи ва юк ортувчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Бу йил шаҳар бўйича 22 та замонавий

чиқинди йиғиш майдончалари қурилиб, ҳозирги кунда шундан 16 таси фойдаланишга топширилди. Қолганлари қурилмақда. 2018-2019 йилларда шаҳар бўйича 30 та янги тилдаги замонавий чиқинди йиғиш майдончаларини қуриш режалаштирилган. Туркияда ишлаб чиқарилган 400 донга янги контейнер олиб келинди. Келгуси

йилнинг биринчи чорагидан бошлаб, корхона янги махсус автоуловлар билан таъминланади.

– Ишни тўғри ташкил этиш мақсадида янги тизим киритганимиз, – дейди корхона ҳуқуқшуноси Султон Раҳимов. – Аҳолининг ўзи билан эмас, бевосита маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ишлаймиз. Яъни, 44 та маҳалла идораси билан шартномалар тузганимиз. Бу эса, тўловларни ўз вақтида тўлалишига ҳамда дебитор қарздорлик кўпайиб кетмаслигига хизмат қилаётган. Йиғилган тўловларнинг 10 фоизи маҳаллага қайтарилди. Қўриқиб турибдики, бу тизим икки томонлама манфаат келтиради.

Реклама ҳуқуқи асосида.

Яхши тарбия – фарзандларимизнинг унб-ўсишида, жамиятда ўз ўрнини топишида мустақам пойдевордир. Боланинг гўдаклигидан мурғак қалбига эзгулик ва яхшилик туйғуларини мунтазам сингдириб бориш даркор. Шунда у ҳаёт сўқмоқларида тўғри йўлдан оғмайди. Бу икки фазилатга эга инсон ҳеч қачон қабохат, разиллик, ёвузлик қўчасига қирмайди, онгида бузғунчи ғоялар урчимайди.

Маънавий тарбия ёшларда яхши ахлоқ, шижоат, бағрикенглик ва меҳнатсеварлик сифатларини шакллантиради, бунёдкорлик ғояларининг куртак ёзишига асос бўлади. Халқимиз эътиқод қилиб келаётган ислом динида ҳам фарзанднинг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, тарбия ота-она зиммасидаги энг масъулиятли вазифадир. Уни тўқис адо этганлар, ўз меҳнатлари самарасидан энг аввал баҳраманд бўлади. Боласини эзгуликка ўргатган одам борки, ўзига-ўзи яхшилик қилган ҳисобланади.

Қуръони каримда ҳам "Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик..." деб марҳамат қилинган. Хусусан, уламоларимиз ҳам ота-онанинг фарзандига, фарзанднинг эса

лаш учун қурашаётир. Бузғунчи ғояларни тарғиб қилаётган кучлар, дастлаб, ёшларнинг миёнаси заҳарлаб, кейинчалик уларни ўзлари истаган йўлга етакламоқда.

ватланаётир. Истиқлолнинг илк кунларидан ёшлар масаласи мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Келажагимиз ёшларининг замонавий

ди. Ўз навбатида, бунга жавобан йигит-қизларимиз ҳам Ватан равнақи, халқимиз фаровонлигига ҳалол меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиши, ота-онаси берган нону туз ҳақини адо этиши ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбияланаётган ёшларимиз тафаккурда кучли маънавий иммунитет ҳосил бўлганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Лекин, бу хотиржамликка берилиб, ҳушёрликни четга суриб қўйишга асос бўлмайди. Чунки, яхшилик ва ёвузлик, ҳақолат ва маърифат ўртасидаги қураш бардавомдир. Бундай вазиятда эса, яхши тарбия саодатга элтувчи ишончли йўл бўлиб қолаверди. Зеро, машойхлар айтганидек, тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди.

Азизжон АЛИМЖОНОВ,
Бўқа туманидаги
"Қодирхон маҳсуми"
жоме масжиди
имом-хатиби.

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Одамзот доим бахту саодатга интилиб яшайди. Биз болажон халқимиз ва яхши ниятларимиз орзу-истакларимизни фарзандларимизнинг иқболи, истиқболи ва камоли билан боғлаймиз, уларни ўзимиздан-да бахтли ва фаровон ҳаёт кечирдишнинг хоҳлаймиз. Албатта, ўғил-қизларимизнинг бахтини кўриш, кўп жиҳатдан ўзимизга, аниқроғи, биз бераётган тарбияга боғлиқ.

ота-онасига қилган дуоси, албатта, ижобатдир, дейишган.

Ҳаётий таҳлиллар бугун дунё миқёсида юз бераётган терроризм, экстремизм, одам савдоси, гитхандлик каби жирканч иллатларнинг туб негизи тарбиясизликка бориб тақалаётганини кўрсатмоқда. Бу ишларни қилаётганлар ҳақолатга юз тутган кимсалардир. Улар глобаллашув жараёнида тобора тезлашиб бораётган замонада одамлар, айниқса, ёшлар онги, тафаккурини эгал-

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида дунё халқларини ташвишга солаётган ана шундай таҳдидларни бугун ер қурраси нуфусининг қуриб турган бирини ташкил қилаётган ёшлар онгу тафаккурини маънавий, маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш орқали бартараф этиш тақдирини илгари сурди ва бу ҳақон афкор оммаси томонидан қизғин қўллаб-қув-

талаблар асосида таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, ҳар қандай соҳада ўз иқтидорини намоён этиши учун тобора кенг имкониятлар очилмоқда. Ёшларни хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга йўналтириш, жамиятда ўз ўрнини топиши учун шароит яратиш, уларни қўйиётган масалаларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Албатта, бундай ғамхўрлик ва эътибор ёшларнинг ҳаётда қўқилмаслигига хизмат қила-

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Бозорни рақобат бошқаради, дейишди. Соғлом рақобат жараёни ишлаб чиқарувчидан муттасил изланиш, интилувчанлик ва янгица ёндашувни талаб этади. Бугунги куннинг мана шу табиий ва ҳаётий талабига таяниб иш кўрган тадбиркорлар асло ютқазмайди. Маҳсулот таннархини шакллантириш эса энергия ресурслари сарфи билан бевосита боғлиқдир.

Мутахассис тавсия этади

Мамлакатимиз инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этишдан иборатдир. Бугун саноат тармоқларини ана шундай замонавий ва илғор технологияларга асосланган ҳолда модернизациялаш, уларни, айниқса, ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи борасида тежамкор ускуналар билан жиҳозлашга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш икки бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган хилма-хил маҳсулотлар билан тўлдирши, экспорт салоҳиятини ошириш баробарида мамлакатимизнинг табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш имконини ҳам беради.

Афсуски, айрим корхоналарда ҳамон эскирган ва но-стандарт қурилмалардан фойдаланилади. Улар назорат-ўлчов асбоблари билан таъминланмаган, қўлбола

газ ёндиргичларини ишла-тишдан воз кечганича йўқ. Бу эса табиий газнинг бе-худа исроф бўлишига олиб келмоқда. Бунга, айниқса, пишган гишт ишлаб чиқариш корхоналари мисоли-да кўриш мумкин.

Масалан, шундай корхоналарда печларнинг ёниш жараёнини автоматик ти-зимга ўтказиш орқали 2 фойзгача, маҳсулотни қури-тиш, қиздириш жараёнида керакли ҳароратнинг би-маромида бўлишини назорат қилиш билан 5 фойзгача, хом ашё таркибида кўми-кукунларидан фойдаланиш орқали 10-12 фойзгача, хом гиштни қуруқ усулда тайёр-лаш орқали 15 фойзгача табиий газни тежаш мумкин.

"Ўздавнефтегазинспекция"-нинг вилоят бўлими мута-хассислари бу борада тад-биркорларга барча зару-рий кўмак ва тавсияларни беришга тайёр.

Жаҳонгир БОЙБОВ,
"Ўздавнефтегазинспекция"
вилоят бўлими
бош технологи.

мутахассис ходимлар то-монидан қайта кўриб чи-қилиш лозим бўлиб, белгиланган талабларга жавоб бермайдиган мос-ламалардан фойдаланиш тақиқланади.

Тилсиз ёвнинг содир бўлмаслиги учун ҳар бири-миз хонадонларимизда ён-гин хавфсизлиги қондала-рига тўлиқ амал қилиши-миз керак.

Баҳодир ИРСИМБЕТОВ,
Бекзод ШЕРАЛИЕВ,
Зангиота тумани ЁХБ
инспекторлари.

Очиқ мулоқот

Зангиота туманида хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ҳамда улар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга бағишлаб очиқ мулоқот ўтказилди.

АЁЛНИНГ ЎЗ ЎРНИ БЎЛСИН...

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ИИБ ва прокуратура вакиллари иштирок этган тадбирда ҳуқуқбузарлик қилган шахслар қайта жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар қўйла-ётгани хусусида атрофлича маълумотлар берилди.

Мулоқотда таъкидланганидек, жиноятларнинг олдини олиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича жойларда ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Маҳаллалар ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни бартараф этиш, жа-зони ихро этиш муассасаларидан озод этилган аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш жа-миятимиз олдида турган энг дол-зарб масалалардан биридир.

Шунингдек, тадбир доирасида ташкил этилган сайёр суд мажли-сида 7 нафар судланувчининг жи-ноят иши кўриб чиқилди. Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди томонидан уларнинг қили-шидан пушаймонлиги, айбини ту-шуниб етгани инобатга олиниб, жа-зонинг ўталмай қолган қисми ахлоқ тузатиш ишларида алмаш-тирилди.

Фирибгарлик йўлига кириб қолиб, содир этган жиноятни учун қамалган З. Тўйчиева халқимиз-нинг бағрикенглиги туфайли оила-си ва фарзандлари бағрига қайт-ди. Давлатимиз томонидан унга яна бир бор имкон берилди. Унинг айбини тушуниб етгани, ўйламай қилган жиноятни қандай оғир оқибатларга олиб келгани ҳақида пушаймон бўлиб айтган сўзлари ҳеч кимни бефарқ қол-дирмади.

Ўз мухбиримиз.

Тақдимот

"Китоб олами" маънавий-маърифий савдо маркази-да уюштирилаётган тақди-мотлар фикримиз далили. Шундай тадбирлардан бири юридик фанлари доктори,

профессор Лола Саидова-нинг "Яхшилар ёди", шу-нингдек, "Олтин қалам" му-юкофоти совриндори Марям Аҳмедованинг "Меҳрим бах-шида" ва "Табиат билан уй-

МЕҲРИМ БАХШИДА

Маънавиятимизнинг муҳим омили – китобхонли-ка эътибор туфайли китобат олами қизиқарли асар-лар билан бойиб бормоқда.



ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

Кузатишлардан маълумки, бепарволик натижасида чиққан ёнгин табиий, моддий ва маънавий зарарга сабаб бўлади, бунинг олдини олиш эса ҳар биримиз-нинг инсоний бурчимиздир.

Авваламбор, табиат неъм-ати бўлмиш табиий газ-дан турли хил резина шанг-лар орқали фойдаланиш, ёниб турган оловни назо-ратсиз қолдириш ва метё-рий техник талабларга жа-воб бермайдиган, қўлбола электр воситаларини ишла-тиш қўлчира кўнгилсизли-клари келтириб чиқаради.

Айниқса, уйларда ёш болаларнинг қаровсиз қолдирилиши ёнгин кели-чиқисига сабаб бўлади. Гоҳида хонадонларда тур-ли хил электр мослама-лардан фойдаланадиган кишилар ҳам учраб тура-ди. Бундай ҳолларда жуда эҳтиёткор бўлиш ва электр сим қурилмалари

мутахассис ходимлар то-монидан қайта кўриб чи-қилиш лозим бўлиб, белгиланган талабларга жавоб бермайдиган мос-ламалардан фойдаланиш тақиқланади.

Тилсиз ёвнинг содир бўлмаслиги учун ҳар бири-миз хонадонларимизда ён-гин хавфсизлиги қондала-рига тўлиқ амал қилиши-миз керак.

Баҳодир ИРСИМБЕТОВ,
Бекзод ШЕРАЛИЕВ,
Зангиота тумани ЁХБ
инспекторлари.

ФОНДНИНГ ИШЛАРИ ХАЙРЛИ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг вилоят ҳудудий филиали Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш ҳамда фонди томонидан молиялаштирилган "Она ва бола соғлиғи – давлатимизнинг бебаҳо бойлиғидир" лойиҳасини амалга ошириш мақсадида яхши ишга қўл урди.

Саломатлик



Паркент туманидаги транспорт ва сервис, пе-дагогика ва иқтисодиёт касб-хунар коллежлари-нинг ўқувчилари ҳамда чекка қишлоқлардаги аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тар-

ғиб қилиш бўйича "Ёшлар-да юқумли касалликлар профилактикаси", "ОАВ/ОИТСнинг олдини олиш" мавзуларида учрашувлар ўтказилиб, материаллар тарқатилди.

Шундан сўнг, ўсмирлар

тиббий кўрикдан ўткази-либ, УТТ, ЭКГ, кўриш ўт-киригичи аниқланган таш-хисларга кўра, уларга ин-сонпарварлик ёрдамлари (дори-дармонлар, санита-ри-гигиена воситалари) бе-пул тарқатилди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз-ки, ушбу грант лойиҳаси доирасида вилоятда эрта ва қариндошлар ўртасида никоҳ қуриш, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш бўйича ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказил-ди. Мактаб, лицей, касб-хунар коллежлари ва ма-ҳаллаларда балоғат ёшда-ги ўсмирлар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар билан биргаликда учрашувлар ўт-казиш орқали ёшларнинг юқумли касалликлар про-филактикаси тўғрисидаги билимлари бойитилди.

Хушнуд НАЗАРОВА,
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат.

Тадбиркор ва сармоядорлар диққатига! "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига "Yangi Angren IES" АЖНИНГ 2017 йил 18 октябрдаги № БА/186-сонли буюртманомасига асосан қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Нуробод шаҳарчасида жойлашган туман алоқа боғламаси иншооти, бошланғич баҳоси – 1 129 223 000 сўм;
2. Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Нуробод шаҳарчасида жойлашган музқаймоқ кафе-сини, бошланғич баҳоси – 216 506 000 сўм;
3. Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Нуробод шаҳарчасида жойлашган омонат жам-гарма биноси, бошланғич баҳоси – 360 420 000 сўм;
4. Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Нуробод шаҳарчасида жойлашган кўп қават-ли 34 хонадонли 2-ўй, бош-ланғич баҳоси – 2 648 840 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 28 ноябрь кунни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор ту-мани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Савдо шу кунни бўлиб ўтмаса, такрорий сав-долар 2017 йил 11 декабрь, 20 декабрь, 29 декабрь, 2018 йил 9 январь ҳамда 19 январь кунлари соат 11.00 да ўтади. Аризалар қабул қилиш белгиланган кундан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтати-лади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилиш-нинг охириги мuddати 2017 йил 11 декабрдаги савдо учун 9 декабрь, 20 декабр-даги савдо учун 18 декабрь, 29 декабрдаги савдо учун 27 декабрь, 2018 йил 9 январь-

даги савдо учун 5 январь, 19 январьдаги савдо учун 17 январь кунни соат 16.00 гача.

Аукцион савдосида қатна-шиш учун ариза билан бир-галикда қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахс учун дав-лат рўйхатидан ўтказилганли-ги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, тўлиқ ваколатли ва-килнинг аукционда қатнаши-ши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусха-си;
- жисмоний шахс – пас-порт нусхаси, аукционда ва-кил қатнашган тақдирда рас-мийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқ-лайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (йигирма) банк иш кун-ида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш

мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдосида ишти-рок этиш учун талабгор ҳар бир кўчмас мулкнинг бошла-ничи нархидан 15 фойз миқ-дордаги закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент мин-тақавий филиалининг "Ипак йўли, банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х/р: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га сав-дода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Тош-кент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй, 649-хона. Тел.: (0371) 228-84-48, (0597) 701-14-62. www.1kms.uz. rieltstavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

АТ "Халқ банки" Бекобод шаҳар филиалининг 2017 йил 19 октябрдаги 09-03/365-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истиқлол кўчаси, 26-ўй манзилида жойлашган, майдон 279,84 кв.метрдан иборат бино очиқ аукцион савдолари-га чиқарилмоқда. Бошланғич нархи – 178 973 016 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 28 ноябрь кунни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-ўйда ўтказилади. Аукцион савдоси шу кунни бўлиб ўтмаса, такрорий сав-долар 2017 йилнинг 14 декабрь, 29 декабрь ҳамда 2018 йилнинг 15 январь, 31 январь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзола-нган санадан бошлаб 10 кундан кечик-май мулк учун тўловни амалга ошириш лозим.

Талабгорлар мулк бошланғич нархи-нинг 15 фойзидан кам бўлмаган миқ-

дордаги закалат пулини савдо ташки-лотчиси билан тузилган закалат кели-шувига асосан, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали-нинг АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиа-лидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўла-шлари лозим: 20208000204920609019, МФО 01036, ИНН 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманом-алар билдиришнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қили-нади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо таш-килотчисига талабгор ёки унинг ваки-ли аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълон-да белгиланган мuddатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатлар-ни илова қилган ҳолда аукционда қат-нашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги

гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатна-шиши учун қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда расмийлаштирилган, тўлиқ вако-латли вакилнинг шахсини тасдиқлайди-ган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришном-ада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ша-ҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўча-си, 42-ўй. Тел./факс: (0-371) 233-54-96. Электрон почта: rieltstavdo@inbox.uz. Ин-тернет тармоғидаги веб сайт: www.1kms.uz. Лицензия: RR 0001.

Аҳоли ва Тошкент вилояти сайловчилари диққатига! Депутатга савол йўлланг!

Хурматли фуқаролар! Жорий йилнинг 7 ноябрь кунни соат 10.00 дан 10.30 га қадар Facebookдаги O'zLiDePнинг расмий саҳифаси (facebook.com/UzLidp) ҳамда "O'zLiDeP муҳокамага чорлайди" (facebook.com/groups/126733447933868) номи гуруҳида Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси, 15-Зафар сайлов округидан вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган Пирматов Рашид Хусанович билан онлайн- мулоқот бўлиб ўтади. Депутатга ўзингизни қизиқтирган саволларни йўллаб, батафсил жавоб олинг.

Саволларни O'zLiDePнинг Facebookдаги расмий саҳифаси (facebook.com/UzLidp), tv-uzlidedp@mail.ru (Тошкент вилояти Кенга-ши почтаси), uzlidedpmatbuot@mail.ru электрон манзилига, телеграммда-ги (+99890) 977-07-40, (+99894) 604-20-85 рақамларига ҳамда (+99871) 255-28-85, (0370) 935-14-93 (ишонч телефони) рақамларига видео, аудио ёки матн шаклида йўллаш мумкин.

ДИҚҚАТ! Депутатга йўллаётган саволингизда, исм-шарифингиз, аниқ манзилингиз ҳамда сиз билан боғланиш мумкин бўлган телефон рақамингизни ёзишни сўраб қоламиз.

 ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Мазлими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaiqat@uamail.uz	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-79-96 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан руйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Зоҳир ТОШХУҲАЕВ Назоратчи мусоҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУҲАЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.	Буюртма V-320.	Адади 6 899.	Баҳоси келишилган нархда	Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.		ISSN 2010-9318.
“ЎЗБЕКИСТОН” нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.00.						